

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

ПАНШАБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

1996 йил август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚУМИТАСИ, БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ВА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ — Баҳоси эркин нарҳда



ОЛИМПИАДАЧИЛАРГА МУКОФОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Фармони-га биноан бир гуруҳ спортчи ва спорт устозлари «Меҳнат шухрати», «Дустлик» орденлари, «Шухрат» медаллари, Ўзбекистон Республикасининг Фахрий Ерлиги билан мукофотландилар. Улар бундай юксак мукофотларга республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдаги хизматлари, тинчлик ва барқарорлик сақланишига, барча миллат ва элат вакиллари ўрасида дустликни мустаҳкамлашга, ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий истиклол гояларига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган ҳиссаси ҳамда Атланта шаҳрида бўлиб ўтган XXVI ёзги Олимпиада ўйинларида катта ютуқларга эришганликлари учун сазовор бўлишди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

1996 йилда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари ҳосили нобудгарчилигига йўл қўймай, уни истеъмолчиларга сотишни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «1996 йилги мева-сабзавот маҳсулотлари ҳосилини Ўзбекистон Республикаси ташқарисига сотиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Унга биноан чет мамлакатлар, хусусан Россия Федерацияси билан бу борада тузиладиган шартномаларнинг бажарилиши учун вилоятлар ҳокимларининг шахсий масъулияти оширилди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯҲОНА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Пахтакор» спорт иншоотлари бирлашмасида бўлиб, у ерда амалга оширилаётган таъмирлаш ишлари билан танишди. Жумладан, Ислам Каримов «Пахтакор» ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам мусобақалар ўтказишга тайёр бўлган Марказий Осиёдаги ягона ўйингоҳ бўлиши кераклигини таъкидлади.

Шунингдек, Президент Ислам Каримов Тошкентдаги таъмирланаётган Олимпия шон-шўхрати музейини ҳам бориб кўрди.


ИНКАССАТОРЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Инкассация бошқармасида «Инкассатор-96» курик танлови бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан шу касб эгалари қатнашиб, ўз касб маҳоратларини намойиш этишди.

ТОШКЕНТДА ЎҚУВ СЕМИНАРИ

Жаҳон банкининг иқтисодий ривожланиш институти томонидан ташкил этилган ўқув семинари «Ижтимоий сиёсат: дастурлар ва лойиҳалар» деб номланган. Унда МДҲга аъзо олтита мамлакат ва Мўғулистон мутахассислари иштирок этдилар.

Биз — Алпомниш авлодиданмиз



АКЦИЯ
ИҚТИСОД
ТАЯНЧИ!



тел: 303084
Тел / 343176
Факс: 343176



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясида «Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Конрад Аденауэр Фонди, давлат ва жамият қурилиши академияси ва республика хотин-қизлар кумитаси ҳамкорликда ташкил этган ушбу анжуманда қатор вазирликлар, жамоат ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари вакиллари, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлари хотин-қизлар кумиталари раислари, шунингдек Қирғизистон хотин-қизлар ташкилотларининг вакиллари иштирок этишди. Давра суҳбатини Конрад Аденауэр Фондининг Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон бўйича ҳудудий мухтор вакили жаноб Волфганг ШРАЙБЕР кириш сўзи билан очди.

— Жамғармамиз бир йилдан бери Ўзбекистон ҳудудида «Аёл ва жамият» мавзусида туркум семинарлар ўтказмоқда. Уч босқичли ушбу семинарлар хотин-қизларнинг иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилгандир. Бу борада бизга республика хотин-қизлар кумитаси ақиндан кумак бераётганини алоҳида қайд этиб ўтишни истардим. Семинарларимиз мамлакатингиз президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳам мавзу, ҳам мазмун жиҳатдан ҳамоҳангдир.

Бугунги давра суҳбатимиз эса хотин-қизларнинг мамлакатингиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва роли, соғлиқни сақлаш, аёлларнинг иш билан бандлиги каби муҳим масалаларни ва бу борада қилиниши керак бўлган ишларни, мавжуд муаммоларни қамраб олган. У ҳаммамиз учун фойдали бўлади, деган умиддаман.

Дилбар ГУЛОМОВА, Республика Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар кумитаси раиси:

— Ўртбосимизнинг юзорида жаноб Шрайбер тилга олиб ўтган Фармони хотин-қизлар кумиталарига кенг имкониятлар очиб берди. Шу билан бирга олдимизга катта ва муҳим вазифаларни қўйди. Кейинги йилларда республикамизда оналар ва болалар ўлими даражасининг нисбатан камайишига эришилгани кувонарли ҳолдир. Лекин эришилган натижалар билан қаноатланмай қолмай, хотин-қизлар ўртасида профилактик тадбирларни қучайтириш зарур, айниқса, бу борада қишлоқ туманларида ҳали кўп ишлар қилишимиз керак.

20 мингга яқин аёл тадбиркорлик билан шугулланмоқда. Бу бир қарашда кўпга ўхшаб қўринади. Агар хотин-қизларимизнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини оширишда кўмаклашсак, керакли моддий ва маънавий ёрдамни берсак, уларнинг сафи янада кенгайиши аниқ.

«Қизларни турмушга тайёрлаш», «Аёл ва экология», «Аёл, оила, маҳалла» каби дастурларни ҳаётга янада кенгроқ тadbiq этишимиз керак. Хотин-қизларнинг иш ва турмуш шaroитларини яхшилаш, ишсизларни иш билан таъминлаш каби муҳим масалалар ҳам борки, улар биздан тинмай изланишни, ижодкорликни, керак бўлса, қатъиятни талаб этади.

Равнод УБАЙДУЛЛАЕВА, республика меҳнат вазири ўринбосари:

— Республика аҳолисининг 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Уларни иш билан таъминлаш, янги замонавий касбларга ўргатишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Ҳар йили 150-200 минг янги иш ўринлари вужудга келаётган бўлса, уларнинг катта қисми айнан хотин-қизларни меҳнат билан банд қилишга мўлжаллангандир. Лекин Жиззах, Қашқадар, Сирдарё ва Навоий вилоятларида хотин-қизлар орасида ишсизлар сони камайиши суст

бормоқда.

А. ОРАЗАЛИЕВА (Қирғизистон): — Мен иккита нарсани сурамоқчи эдим: аввало, республикангизда ишсизлар миқдори қанча? Иккинчи саволим шундан иборатки, ишлаётган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари қай даражада ҳимоя қилинган?
Р. УБАЙДУЛЛАЕВА:

— Расмий маълумотларга қўра, ишга яроқли аҳолининг тахминан бир фоизи ишсиз. Яна шуни қайд этиб ўтишни истардимки, жойларда ҳоқимиятлар, меҳнат биржалари буш иш ўринлари ярмаркалари ўтказиб туришади.


Энди иккинчи саволингизга келсак, шу йилнинг апрел ойидан янги Меҳнат қонунлари Кодекси кучга кирди.

қишлоқ меҳнаткашлари ҳузурига гастролларга бориб туришарди. Афсуски, ҳозир бу нарса йўқ. Шунинг учун қишлоқ аёли телевизор қаршида ўтириб дам олади. Лекин биз ўтказган суровдан маълум бўлишича, улар бarcha курсатувлардан ҳам қониқмайдилар, дам олиш, кунгилочар ва тафаккурни ривожлантиришга қаратилган курсатувлар кўпроқ бўлишини хоҳлайдилар. Улар аста-секинлик билан бўлсада, оилани режалаштиришнинг моҳиятини тушуниб етаяптилар. Нечта фарзанд қуриш маъқуллигини уларнинг соғлиқларидан, оилаларининг иқтисодий аҳолидан келиб чиқиб белгиланган интилайптилар.

Шаҳар аёлининг ижтимоий портрети қишлоқдаги дугонасиникидан сал

Долзарб мавзу

АЁЛ ФАОЛ БЎЛСА...



бошқачароқ. Бир вақтлар корхона ва ташкилотларда фаол яратувчилик меҳнати билан банд бўлган аксарият шаҳар аёллари бугун бозорларни тўдириб ўтиришибди. Тўғри, уларнинг орасида тадбиркор деган номга муносиблари ҳам бисёр. Лекин кўп аёллар тадбиркорлик деганда бир жойдан нарса олиб, иккинчи жойда сотишни, қоп-қоп мол орқалаб мамлакатта мамлакат, бозорма бозор юришни тушунишади. Оқибатда, оилада фарзандлар қаровсиз қолади, уларнинг тарбияси оқсайди.

Лекин юқоридагилардан фақат салбий ҳулосалар чиқариш ярамайди. Хотин-қизларимиз, хоҳ шаҳарда, хоҳ қишлоқда яшасинлар, билим олишга, ўз тафаккурини оширишга интилувчанликлари билан ажралиб турадилар. Республикада олий маълумотли аҳолининг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши ҳам фикримни исботлаб турибди. Қолаверса, ҳозир ҳам ўқиш иштиёқида олий, ўрта махсус укув ўртларида ҳужжат топшираётган қизларимиз жуда кўп.

Замира АБДУЛЛАЕВА, Бухоро вилояти ҳокими муовини, вилоят хотин-қизлар кумитаси раиси:

— Хотин-қизларимиз фақат оила тинчлиги, тотувлиги, рўзгор бутлигини сақловчиларгина эмас. Шу билан бирга халқ ўрф-одатлари, удувлари ва аъёналарини сақлаш, унutilaвzганларини тиклаш борасида ҳам уларнинг ўрни беқийс. Масалан, бизнинг Бухоро вилоятимизда келин тушган хонадонда хотин-қизлар йиғилиб, базм уюштиришади. Унда, аввало, келиннинг дастурхон тузашу, чой узатишгача бўлган ўқуви синалади. Қолаверса, ҳар бир давра қатнашчиси шеър, қўшиқ, лапар, рақс ёки ўзи тиккан кашта-ю, кўйлақлар билан бошқаларни лол эттишга интилади.

Биз удум ва аъёналар деганда фақат тўй ва маросимларнигина эмас, бадий каштачилик, зардузлик кабиларни ҳам тушунаимиз. Бу борада, айниқса, аёллардан биринчи Ўзбекистон Қаҳрамони Муассар Темирова ибратли ишларни амалга оширмоқда. Ҳозир Муассар опа вилоят хотин-қизлар кумитаси қoшидаги кичик корхонага раҳбарлик қилиб, ёшларга ўз хунарларини ўргатмоқдалар.

Шу ўринда бир муаммага, бу ҳақда жуда кўп гапирилган бўлса-да, яна бир қарра тўхталиб ўтмоқчиман. Бу тўй ва маросимларни камхарж, ихчам қилиб ўтказиш масаласи. Туртта одам бир жойга йиғилиб қолса, улардан баъзиси тирикчилик ташвишидан хасрат қилади. Лекин тўй-маросимларни

«мен сендан камми?» қабилида ўтказишади. Демак, тушунтириш, тарғибот ишларини қучайтиришимиз, бу ишга хотин-қизларни кенг жалб қилишимиз керак.

Дилбар ҚОБУЛОВА, Ўзбекистон хотин-қизлар кумитаси раиси муовини:

— Дарҳақиқат, Замирахоннинг гапларида жон бор. Бу борада айниқса, нафақага чиқиб уйда ўтирган аёллардан фойдаланишимиз керак. Умуман, «нафақадаги аёлларнинг билими, ҳаётий тажрибаларидан қай даражада фойдаланяпмиз?» деган савол тўғрисида. Менимча, бу борадаги ишимиз оқсаяпти. Тасаввур қилинг, неча йиллар меҳнат қилган, олдига одамлар баъзан маслаҳат, гоҳида ёрдам сураб келган, ўзининг бошқаларга кераклигини ҳис қилиб яшаётган аёл нафақага чиқади-ю, ҳеч қим уни йўқламай қўяди. Ишга ўрганиб қолган одам бекорчиликдан зерикади, сиқилади. Қайнона-келин можароларининг сабабларидан бирини шунда кураман. Ваҳоланки, мана шу аёлларни жалб қилган ҳолда маҳалла кумиталари қошида ёшларни турмушга тайёрловчи клублар, кичик болалар боғчалари очиш мумкин. Бу борада Германия тажрибаси ибратли бўлиши мумкин. Уларда боғчалар бизнинг тасаввуримиздагидан бошқачароқ экан. Масалан, 2 соатга бир жойга бормоқчиси. Болангизни боғчада қолдириб, тегишли пулни тўлайсизда, бориб бемалол илгингизни битириб келаварасиз. Мен айтаятган кичик боғчалар ҳам шу тартибда бўлиши мумкин. Хуллас, уйлаб қурилса, нафақадаги аёлларнинг қўлидан келадиган ишлар оз эмас.

Коммуна ИСМОИЛОВА, Қашқадарё вилояти ҳокими муовини, вилоят хотин-қизлар кумитаси раиси:

— Хотин-қизларимизнинг республика сиёсий ҳаётидаги иштироки ҳам гапириб, муҳокама ва мунозара қилишга арзийдиган масала. Бугунги кунда Олий Мажлис депутатларининг 15 нафари аёллар бўлиб, бу депутатлар умумий сонининг 6 фоизини ташкил этади. Вилоят ва туман ҳокимларидан 5 нафари ҳам аёллар. Лекин, умумий манзарага назар ташлайдиган бўлсак, кейинги йилларда раҳбар лавозимларда ишлаётган хотин-қизларнинг анча камайганини кузатиш мумкин. Хотин-қизларимизнинг фаоллиги кўпроқ қалб таълими, соғлиқни сақлаш ва савдо соҳаларида сезилаяпти, холос.

Дилбар ҚОБУЛОВА:

— Қирғизистонлик дугоналаримизнинг айтишича, уларнинг Жўқорги Кенгесиде 105 депутатдан атиги 5 нафари аёллар экан. Бир қарашда бизда парламентарий аёллар кўпроқлиги билан фахрланишимиз мумкинга ўхшаб қўринади. Аслида, Олий Мажлисга ўтказилган сайловда аёлларимиз курашни бой беришди, дейиш мумкин. Аёл депутатларимиз қанча кўп бўлса, қабул қилинган қонунларда хотин-қизларимизнинг манфаатлари яққолроқ акс этади.

Волфганг ШРАЙБЕР:

— Бугунги суҳбатимиздан маълум бўлдики, республикангизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаоллигини ошириш борасида қатор ишлар қилинмоқда, бу борада муаммолар ҳам йўқ эмас. Хотин-қизлар кумитаси билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Аёл ва жамият» туркумидаги «Хотин-қизларнинг давлатни бошқаришдаги иштироки», «Бозор иқтисодидаги ўттиш шaroитида хотин-қизлар», «Аёл, оила, жамият» семинарларимиз ана шу муаммоларнинг ечимига хизмат қилиши шубҳасиз. Ушбу суҳбатда қилирилган фикр ва мулоҳазалар, тақдирлар ҳам келгуси ишларимизда қўл келадиган, деб ишонч билдираман.

Суҳбатни Дармон ИБРОХИМОВ ёзиб олди

14-ВАГОНГА ЧИПТА КЕРАКМИ?

«68-Конибодом—Душанбе» поездда ақин-яқин вақтларгача ун тўртта вагон бор эди. Бундан бир неча кун аввал уша ун тўртинчи вагонни узиб ташлашди. Лекин Самарқанд темир йул вокзалидаги кассирлар ҳали-ҳануз уша ўзи йўқ ун тўртинчи вагонга «Урҳо-ур» қилиб чипта сотиб ётишибди. Икки мамлакат ораллигида қатнаётган бу поездга йўловчи ҳаммаша сероб бўлади. Чипта олган одамнинг ҳавлига ун тўртинчи вагон борми ўзи, деган гап келмайди ҳам. Масалан, Термизга келаётган Улугбек Тошпулатов деган йигит кўп қатори Самарқанддан ун тўртинчи вагонга 514 сум тулаб чипта олди. «Ётиб дам олиб кетаман» деган йигит излаб-излаб ун тўртинчи вагонни топа олмади. Кейин додини поезд бригадири Мамадиев Арабовга бориб айтди. Бригадир эса ўз навбатида 13-вагон проводниги «хат» қилиб берди. Проводник эса кўрпа-тўшаги йўқ учинчи қаватдан Улугбекка жой курсатди. Табиийки, Улугбек бундан анча ранжиди. Шунда проводник унга «хоҳласанг шу, сени алдаган мен эмас, кассир, додингни бориб кассирга айт», деди. Йўлга чиққан Тошпулатовнинг тақдирга тани беришдан ўзга иложи қолмади. Қолаверса, ўзига ўхшаб алданганларнинг сони жуда кўп эди.

ҲАММОМИ ЙЎҚ ҚУМКЎРҒОН

Тагин сиз сарлавҳани ўқиб уни айнан қабул қилманг. Қумқўрғон туманида ун бешта ҳаммом бор, лекин шу кунларда уларнинг биттаси ҳам ишламайди. Туман Ҳокими Абдулла Мавлонов эса бу ҳолни шундай шарҳлайди: «Ҳаммомлар хусусийлашиб кетганлиги туфайли

ишламай қўйди». Тагин сиз Ҳоким бува айтганларидек, ҳаммомлар ишламай қўйган бўлса, қумқўрғонликлар ювинишни батамом тўхтатиб қўйишибди-да, деган хулосага бориб юрманг. Гап шундаки, туман ҳудудида катта сигимга эга бўлган Жанубий Сурхон сув омбори бор, бундан ташқари бир томондан Сурхон дарёси, иккинчи томондан эса, Шеробод канали шовуллаб оқиб ётибди. Оқар сувга одам бир пишиниб олса, қанча чарчоғи бўлса бир зумда ёзилади, баданидаги кири кетади. Дарвоқе, ҳаммомми? Буям энди турмушнинг бир зийнати-да, шундай эмасми? Шу ўринда масаланинг яна бир нозикроқ томони шундаки, қумқўрғонликлар «ёзда, ҳаво совуқ бўлмаган кунларда дарё, ариқ, қўлларда чўмилиб юраверармиз, лекин совуқда қаерга бориб ювинамиз?» дея эътироз билдирмоқдалар.

ГЎШТ РЕЖАСИНИ ТУЯ БАЖАРАДИ

Қумқўрғон туманидаги «Сайхон» (собиқ Гагарин номли) қоракўлчилик-на-слчилиқка ихтисослашган жамоа ҳужалиғи бир вақтлар наинки республикаимизда, ҳатто ундан ташқариладар ҳам доврўқли эди. Дунёнинг сур терилари курғазмасида бу ҳужалиқ чорвадорлари бир неча марта совриндор бўлишган. Ҳозир эса... у ёки бу сабабларга кўра ҳужалиқнинг аввалги шўхрати пасайган. Ана шу ҳужалиқда ҳозир 23 та туя бор.

Туя эса кўп хосиятли жонивор. Унинг чидами, саботи тошни ёради. Унинг қимизи вужуддаги неча йиллик кўхна дардларни қувиб чиқаришга қодир. Шарқда доврўқ топган ҳақимларнинг айтишларига қараганда, туя жунидан туқилган камарни белига боғлаб юрганлар қораоқсоқ, бел огриқ каби хасталиклардан фориғ бўладилар.



Елғош Ҳўжамбердиев сурати

Хуллас, биз ҳа деб мақтаётган ана шу туядан, туман агрохизмат уюшмаси раиси Бури Эшбоевнинг айтишича, ҳужалиқ гўшт режасини бажариш учун фойдаланаётган экан. Бирон нарсга дейиш қийин. Ҳар ким ақли етган ишни қилади...

Маҳмуд АБУЛҲАЙЗ,
Сурхондарё вилояти**Оламда гап кўп****АЁЛЛАР БЎЙДОРРОҚ ЭКАН**

Яқинда АҚШда ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, бу мамлакат аёлларининг бўйи эркакларникидан баландроқ экан. Жумладан, турли ёшдаги минг жуфт эр-хотин текширилганда, аёлларнинг бўйи ўртача 2,5 сантиметрға юқорилиги аниқланди.

«Меҳрибонлик уйи»дан хатлар**ЎҒАЙ ОТА**

— Менинг дадам уч яшарлигимда оламдан ўтган эканлар. Онам бошқа кишига турмушга чиққан, — деб бошлангани Марзия Мирзаеванинг мактуби. — Ўғай дадамиз ичкиликка муккасидан кетган экан. У аста-секин онамнинг уз йўлига бошлади. Орадан кўп вақт ўтмай, онам ҳам ҳақиқий ичкиликбозлар сафига қўшилди. Бора-бора онамнинг мен билан умуман иши бўлмайдиган, менинг бор-йўқлигимни, шу оиланинг бир аъзоси эканлигимни унутиб қўядиган одат чиқарди. Ота-онам учун кеча ва кундуз бирдек бўлди. Улар ҳамтовоқларини йигиб фақат ичкилик ичадиган бўлишди. Мен гоҳо улардан қолган овқатларни толиб есам, баъзан очлигимдан йиғлай-йиғлай ухлаб қолам. Онам менинг на иссиғимдан ва на совуғимдан хабар оларди.

Бу ердагиларнинг айтишича, менинг фикрлашим худди етмиш яшар кампирни яшартириб қўйгандек тасаввур уйғотар экан. Бунга ҳам ёшим кичик бўлсада, ҳаёт ачиқ-чучуқларини кўп тотиганим сабаб бўлса керак.

Ана шундай кунларнинг бирида онам менга ука тутиб берди. Афсуски, қақалоқнинг дунёга келиши ҳам оиламиздаги аҳволни ўзгартирмади. Ичкилик ботқоғига батамом ботган онам маст кунлари бечора ўкагинамни мутлақо эмизмасди. Бундай пайтларда мен ҳам гудакка қўшилиб юм-юм йиғлайман, унга нон чайнаб едиришга ҳаракат қиламан. Кўпинча чарчаб ухлаб қолган

пайтларимда унинг ҳоли нима кечганини тасаввур қилаётган бўлсангизлар керак. Қаҳратон қиш кунларининг бирида онам билан дадам ўзоқ қариндошларимиздан бириникига меҳмонга кетишди. Меҳмондорчиликда ширакайф онамнинг ёдига бирдан оч ётган гудаги тушади. У ҳеч кимга индамасдан уйга ошиқади. Йўлда музлаган канални кесиб ўтаётган пайтида муз ёрилиб кетиб қўкиб ўлади. Шундан кейин қўни-қўшиллар ва қариндошларимиз мени мана шу «меҳрибонлик уйи»га жойлаштиришди. Онамнинг фожеали ўлими, менинг тақдирим ўғай отамни хатто уйлантирмадим, у ҳамон ичкиликка «ошно» эди. Мана шундан бери етти йил ўтибди. Бу йилларда отам билан қолган ўкагинамга жуда қийин бўлди. Уни ҳам ёнимга олиш учун отамнинг олдиға борганимда, у мени уйдан ҳайдаб чиқарди. Шундай бўлсада, ўкамни жуда яхши кураман. Бу ерда бизга бериладиган ҳар турли ширинликлардан ўзим емай, уч-тўрт кунда ўкамга элтиб тураман. Қўни кеча унинг дунёга келганига етти йил тўлди. Бир ойдан бери менга берилатган ширинликларни емасдан яшириб қўяётганим, совға тариқасида унга элтиб бердим. Роса хурсанд бўлди, «опажон, опажон» деб атрофимда гирди-капалак бўлганларини курсангиз. Дадмининг ҳавлига эса на туғилган кун ва на онамизни мангуликка кузатган кун келади...

ҚИШЛОҚ МАСЖИДИ

Қишлоқ масжиди. Унга одамлар оқиб келаверади. Унга келаятганларнинг сони ортган сайин инсонлар маънавиятидаги кемтикликлар камайиб, эътиқод саналмиш муқаддас мезон шакллана бошлайди. Қолаверса, масжид кишиларни нафақат Оллоҳнинг азму иродасига ишониб яшашига, балки ён-атрофдагиларга нисбатан инсонпарвар, эътиборли, оқибатли, ҳолатбарор бўлишга ҳам чорлайди.

Самарқанд вилоятида қишлоқ масжидларининг сони йилдан йилга кўпаймоқда. Жумладан, Қўшрабат тумани масжиди жомеъ намозгоҳи қисқа муддатда, бир ярим йил муқаддам қуриб битказилган эди. Бу ҳашаматли бино замонавий ганчкор усулида турли безаклар билан безатилган. Масжиднинг ичкари хонасида 150, ташқи айвонида ҳам 150 киши ибодат қилиши мумкин.

Масжид қурилиши учун даставвал маҳалла аҳли ва туман марказидаги бир гуруҳ иймонли кишилар маблағ йигишди. Чунончи, Оллоҳ йўлига хайру эҳсон қилмоқ қўшрабатлик минглаб

қариялар, мард ва танти кишиларга одат бўлиб қолган. Масжид биносини тиклаш, суваш, безаш ва бошқа қуриш ишлари эркаклар томонидан уюлланган бўлса, бу хайрли ишда хотин-қизлар ҳам четда туришгани йўқ. Улар масжид саҳни учун гилам туқиш, ҳада этишди. Уларнинг моҳир қўллари билан туқилган гиламларига меҳроб шакли туширилгани учун ибодатга жойнамоз ёзиш шарт эмас.

Масжиди жомеъга қишлоқ аҳолисининг ташаббуси ва талаби билан улуг маърифатпарвар, шарият пешвоси, ўз даврининг буюк хаттоти. XX асрнинг биринчи чорағида яшаб ўтган олим Омонулла Охунд Жўрабой ўғлининг номи берилди. Кишилар бу ерга ибодат қилгани келар эканлар, ул зоти шарифнинг хотирасини ҳурмат билан еда оладилар.

— Масжид Оллоҳ йўлидаги амалларни бажаришда энг яхши тарбия ўчоғига айланаётгани рост, — дейди жомеъ масжиди мутаваллиси Дамин Шаймонов.

Хулкар ТҲИМАНОВА



ГАБРОВО ЛАТИФАЛАРИ

ТАНГА

Габрововлик киз йигитга ота-оналари уйда йўқ пайтда унинг олдига келишни тайинлади. Аммо ҳар эҳтимомга қарши киз унга олдин кириб битта танга ташлаб, хабар беришни келишиб олишди. Танга йулдакка тушиб жарағилас — йигит кираверини мумкин.

Киз танга ташлади, лекин йигитдан дарак бўлавермади. Кута-кута тоқати тоқ бўлган киз пастга тушиб қараса, йигит ҳалеб йулани пайпаслаб ниманидир қидирипти.

— Ташлаган тангани қолиб кетмасин деган эдим, — деб узини оқлади йигит.

— Анонй бўлман-да, тангани ишга боғлаб ташлагандим, аллақачон тортиб олганман, — деди киз.

ЙУЛИНИ ТОПИШДИ

Габрововлик икки студент узларига янги қалпоқ сотиб олишди. Улар савдоний билигуларига эм-гир ега бўлшди. Йигитлар магазини остионада уйла-ниб қолишди. Кейин шартта қалпоқларини алмаш-тириб кийиб олишди-да эмгирга қарамай кетаве-ришди — ахир бошларида биронинг қалпоқи бул-гандан кейин уларга эмгир писандиди?

ТАШВИШ

Габрововликнинг хотини хонасини тез-тез оқ-лаб турарди.

— Булди, ҳалеб деворга оҳақ сураверма, хона торайиб кетди, деб урилиб бери эр.

ГАБРОВОЧА ТАҚЛИФ

«Отани! Габрововча кел, сени қўшнларинки-га олиб кираман, меҳмонни қандай кутиб олиш-ларини бир курасан».

ИЛОЖИНИ ТОПДИ

Габрововликка бир шишача зарур бўлиб қолди. У битта шиша топди, лекин унда озгина йод қолган экан. Йодни тукиб ташлаб габрововликка увол ку-ринди ва у бармоғини шартта кесди-да, унга бор йодни қуйди. Шундан кейингина шишадан фойда-ланди.

КОНИ ФОЙДА ХУРАНДА

Габрово ресторанидан бирининг официантии перигидан сурди:

— Нега сен ҳу ануш нусхани кучага чиқариб таш-ламайсан? Қараб турсам, уни тўрт марта уйғотсанг ҳам яна ушлаб қолайтин-ку?

— Нега чиқариб ташлар эканман? Ахир у ҳар сафар уйғотганимда ҳисоб-китоб қилиб, пул тулайитти-ди.

САРТАРОШ ВА ГАБРОВОВЛИК

— Сизга ута суриб қуяйми?

— Бу ҳам соқол олдиришининг баҳосига киради-ми?

— Ҳа.

— Ундай бўлса, менга упани ураб бера қолсинг, хотинимга олиб бораман.

РОҲАТ

— Илтимос, қиламан, мени кузатиб овора бўл-манг, — деди габрововликлариникига келган меҳмон кет-таганида.

— Овораси бор эканми, меҳмон кетса, кузатиб бирам роҳат қиламан-ки, — деди унга габрововлик.

Мухтор ХУДОЙКУЛОВ

тайерлади

Оламда гап кўп

«МЕН ҚАЕРДАМАН?»

АҚШдаги Уолтер Рид ҳарбий шифохонасида со-биқ Президент Абрахам Линколн жасадида янги «Ревивитол» дори си-наб кўрипти. Бу дори линсон ор-ганизмнинг улпк тўқима-ларига жон бағишлайди. Линколннинг жасади 95 се-кунда давомда жонланиб турди. Уни тажрибадан су-нг қайта кўмишган бўлиш-сада, безовталанган руҳи шифохонани тарк этмаяп-ти. Линколннинг руҳини ҳамширалар бир неча мар-та жарроҳлик хонасида кў-ришган. У ҳатто бир сафар «мен қаердаман?» деб су-раган.

Дераза

СУМКАНГИЗДА НИМА БОР?

Приморья ўлкаси ҳуқуқ-тартибот орган-лари ходимлари 1965 йилда туғилган М. исмли шахсни ўн килограмм тротил шашкасини ва уч дона детанаторни со-тишга уринаётган пайтда қўлга олишди. У ушбу ўта хавфли портловчи моддани Тинч океани флотига қарашли ҳарбий қисмлардан бирининг офицеридан ол-ганини айтган. Шунинг айтиб ўтиш жоиз-ки, атиги 200 грамм тротил моддаси би-лан бутун бошли троллейбуснинг кули-ни қўққа сувориш мумкин.

МАРСДА ҲАЁТ БЎЛГАН(МИ?)

1984 йилда Антарктика музликлари-дан топилган «Аллен Хиллз-84001» ме-теоритнинг қолдиқларини ўн йилдан ошқроқ вақт мобайнида синчиклаб ўр-ганган америкалик олимлар қачонлар-дир Марс сайёрасида ҳаёт мавжуд бўл-ган, деган ҳулосага келишди. НАСА ди-ректори Дэниэл Голдиннинг таъкидла-шича, бу ўринда бир тўқимали органи-змлар ҳақида гап борапти.

ҲИСОБИДА ПУЛ БЎЛМАГАЧ

Таганрогдаги «Комбайн заводи» ҳис-садорлик жамияти маъмурияти ўз иш-чи-хизматчиларига ойлик маошни пул ўрнига озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўламоқда. Заводнинг банкдаги ҳисоб-рақамида пул йўқ. Ҳўжаликлар ҳам ком-байн ва уларнинг эҳтиёт қисмларини со-тиб олишга қодир эмас. Шунинг учун завод ўз маҳсулотларини гўшт, сут, ту-хум, сабзавотлар, мева-чева ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига айирбошлаб, уларни ўз ишчиларига тарқатишга маж-бур бўлмоқда.

«ТЕЛЕВИДЕНИЕГА ЭЪТИРОЗИМ БОР»

дейди Италиянинг «телевидение ки-роли» ҳисобланмиш Силвио Берлуско-нининг турмуш ўртоғи Вероника Берлус-кони хоним. Унинг фикрича, ҳозирги те-левидение кўрсатувлари болалар тар-биясига фақат салбий таъсир кўрсата-ди. «Шунинг учун мен болаларимни «ойнаи жаҳон» яқинига йўлатмайман», дейди Вероника хоним.

ОЛФИР МУЗИКАЧИНИНГ ЖАЗОСИ

Мюнхен филармонияси оркестрини-нг етакчи музикачиси чет эл гастроли-дан қайтаётиб, бир неча қадимий ск-рипка ва виолончел сотиб олди. Божхо-на баённомасида уларни «музей учун ашёлар» сифатида қайд этди ва бож тў-лашдан озод бўлди. Сўнг юртида «ашё-лар»ни салкам бир миллион маркага пул-лади. Лекин олиғирликнинг миси чиқиб қолди. Шаҳар суди музикачини 28,5 ми-нг марка жарима тўлашга ва Германия қамоқхоналарида 12 та мажбурий кон-церт беришга ҳукм қилди.

Хорижий матбуот хабарлари асо-сида тайёрланди

КОННИНГ ИККИ РАНГИ

(Два цвета крови)

Режиссёр — Махеш Бхат.

Ролларда — Винод Кханна, Денни Дензонгпа, Шабана Азми.

150 мин. 1996 йил. Ҳиндистон.

Ҳинд аскари Шамшир Сингх Гонконг-да еш жувонни севиб қолади. Икки се-вишган тез-тез учрашиб туришади. Ора-дан кунлар, ойлар ўтиб ёшлар фарзандли бўлишади. Бироқ Сингхга тақдир қулиб бок-майди, дўсти унга нисбатан сотқинлик қилади. Натижада икки фарзанднинг отаси бул-ган Сингх ҳалок бўлади. (Уни-нг Ҳиндистонлик хотинидан ҳам бир ўғли бор эди).

Орадан 20 йил ўтгач Шам-шир Сингхнинг икки ўғли бир-бири билан учрашадилар. Бироқ бир ота-дан дунёга келган икки йигит, яъни Раж ва Суражларнинг бири полициячи бул-са, иккинчиси Ҳинд мафиячиларининг ишончли қўролидек эди...

КУПЛА-КУНДУЗ КУНИ

(Среди бела дня)

Психологик триллер

Режиссёр — Рудолф Ван Дер Берг

Ролларда — Ричард Грант, Линдси Бакстер.

99 мин. 1996 йил. «Полиграм».

Полициячилар ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу филмда уч киз номаълум кимса томонидан ўлдирилади. Гумон қилинган жиноятчи қўлга олинади. Бироқ инспек-тор Марек (Р.Грант) унинг айбдорлигига ишонмайди. Аммо полиция бошлиғи бу ишни тезроқ ёпиши лозим эди, акс ҳол-да уни маҳаллий сайловда юқори лаво-зимга сайлашмаслиги мумкин. Марек бу ишдан норози, шу сабаб ишдан бўша-ш учун ариза беришга мажбур бўлади.

Гарчи ишдан кетган бўлса-да, Марек-нинг ёлғиз ўзи уша қотил-манякни то-пишга астойдил киришади...

МАГИЯ

(Магия)

Сирли ҳодисалар ҳақидаги филм

Режиссёр — Энди Флеминг

Ролларда — Файруза Балк, Клиф де Янг, Робин Тани

97 мин. 1996 йил. «Коламбия пик-

черс»

Тўрт нафар ёш ўқувчи қизлар узлари-ча магия, яъни жодугарлик билан шугул-ланмоқчи бўладилар. Бир қарашда бу ҳол худди болалар шўхлигидек куринсада, кейинчалик анча жиддий муаммоларни тугдиради.

Одамларга нимаики қилган бўлсанг, яхшилиқми, ёмонлиқми, ҳаммаси узингга

Дювал, Форест Уитэкер.

119 мин. 1996 йил. «Буэна Виста»

37 ёшли бир фермер туғилган кун-ни нишонлаётган эди. Кутилмаганда ун-га ажойиб самовий совға ҳада этилади, яъни у ўз мавқеини хоҳлаганча кўтариш қобилиятига эга бўлади. Шундан сўнг асар қаҳрамони гаройиб воқеаларнинг иштирокчиси бўлади...

Кинофилмда такрор-ланмас қулгили ва қизи-қарли лавҳалар куп уч-райди. Бу эса томошабин-ни зериктирмайди. Ушбу киноасар сердаромад фил-млар рўйхатида 21 урин-дан 11 уринга кўтарилди.

РУҲЛАР ҲИНИ:
МЕРОС — 3 ва 4 қисмлар

(Полтергейст-Наследие 3 и 4 части)

Режиссёр — Аллан Истмэн

Ролларда — Дерек де Линг, Хелен Шейвер.

176 мин. 1996 йил

Руҳлар уйини, қадимий афсоналар ҳамда достонларга асосланган ва узга сайераликлар ҳақида ҳикоя қилувчи фантастик саргузашт филмнинг даво-ми, яъни 3 ва 4 қисмлари.

«Чўқинтирган ота — 4» филмининг муаллифи ким?

Сценарийнавис Ник Марино учинчи бор «Парамаунт» студияси, Френсис Форд Коппол ва Марио Пюзолар устидан арз қилиб судга мурожаат этди. Гап шундаки, бу одамнинг таъкидлашича «Чўқинтирган ота — 3» филми сцена-рийсининг муаллифи унинг ёлғиз ўзи экан. Дарҳақиқат, Марино «Парамаунт» студиясига икки нусхада сценарий топ-ширгани ҳақида 1985 йилда ёзма ҳуж-жат олганди. Бироқ 1990 йилда бу фил-м Коппол ва Пюзолар сценарийси асо-сида экранлаштирилди. «Судланувчи-лар»нинг қасам ичиб таъкидлашларича, экранлаштирилган бу киноасарда Ма-рино ёзган сценарийдан умуман фойда-ланилмаган.

Видеотасмаларга ёзилган янги филмлар билан қизиқувчилар қуйи-даги телефонларга қўнғироқ қилиш-лари мумкин:

77-13-44, 77-67-12.

ВИДЕО ОБЪЕМИДЕ



Роберт Патрик

уч баравар бўлиб қайтади — филмни-нг асосий гоёси шу. Асарда ушбу гоё узи-нинг қизиқарли ечимини топган. Амери-када «Жодугарлик» номи билан намоиш этилаётган бу филм 50 та энг сердаро-мад киноасарлар рўйхатида 21 уринда ту-рибди.

ФЕНОМЕН

(Феномен)

Фантастик филм

Режиссёр — Жон Тертелтауб

Ролларда — Жон Траволта, Роберт

ҚАНЧА УХЛАШ КЕРАК?

Мутахассисларнинг фикрича, инсон суткасига 8 соат ухласа, организм меъёрида дам олган ҳисобланаркан. Яъни 6 соат кечаси ва 2 соат куннинг ярмида ухлаб, дам олиш организм фаолиятини мўтадиллаштиради. Айниқса, ақлий меҳнатдан кейинги толиқишга куннинг ярмида қисқагина уйқу билан барҳам бериш мумкин экан.

Педиатрларнинг таъкидлашича, бир ёшга тулган болалар суткасига 14 соат ухласа, мақсадга мувофиқ буларкан. Бола беш ёшга қадам қўйганда эса уни бир суткада 10,5 соатгача ухлатиш мумкин. Ўн ёшли болалар 9,5-10 соат, 13 ёшли болалар 8,5-9 соат ухласа, уларнинг организми маромида ривожланади. Аммо ота-оналар болаларини ухлатиш вақтини билишмаса, бу ҳам уз навбатида болага таъсир этиши мумкин. 6-10 ёшгача бўлган болаларни доимо соат 20-21 лар оралигида ухлатиш лозим. 11-15 ёшгача бўлган болалар эса соат 21-22 орасида ухлашлари керак.

БОСИНҚИРАШ

Бу касаллик бошланишида беморга оғир ҳаёллар келаверади, юраги қисилади, нафас олиши қийинлашади, товуши чиқмай қолади, ҳаракатдан тухтайди. Бу касалликнинг ривожланиши тутқаноққа ва талваса туттишига олиб келади.

Босинқираш қондаги ўзгаришдан бўлади. Ҳаром қонни чиқариб ташлаш, сифатсиз таомларни истеъмол қилмаслик, сафрони қупайтирмаслик лозим.

Талвасага тушганда ҳамма нафас аъзолари фаолияти сустлашади, ҳатто тухташи мумкин. Купинча бир оз муддат нафас олмаган одамларни тириклайин кумиб юборилган ҳоллар ҳам бўлган. Нафас

Маслаҳатлар

олаётган, томирлари уриб турган бемор ҳали тирикдир. Агар бу ҳаракатлар тухтаса у улган ҳисобланади. Пахта толасини чўп учига илинтириб бемор бурнига олиб келинади. Агар тола қимирласа, демек, бемор ҳали тирик. Шунингдек, сувни қоринга бироз қўйилганда у ҳаракатланса, хастанинг ҳаётлигидан дарак беради.

ГУШТНИ ҚАЧОН ЕЎАН МАЪҚУЛ?

Буюк аллома Абу Али ибн Сино шундай деган эди: «Гушт танани мустаҳкамлайдиган таом бўлиб у бошқа овқатларга нисбатан қонни тезроқ қупайтиради». Ҳақимнинг мазкур фикрини замонавий тиббиёт ҳам тасдиқлади.

Гушт асосан оқсиллардан таркиб топган. Жумладан мол гуштида 18-20, қўй гуштида 19,8 фоизгача оқсил мавжуд. Шунини алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, гушт таркибида урни алмашмайдиган аминакислоталар борлигидан ҳам қимматлидир. Таркибида витамин В группаси, минерал моддалар, темир, рух, фосфор ва калий бор.

Энг фойдали гушт қўй гушти. Айниқса қора қўчқорнинг гушти ҳазми энгилроқ ва лаззатли бўлади.

Гуштни кунига бир маҳал ейилса фойдали. Чунки гушзда (экстракт) моддалар қуп бўлиб,

улар киши организмида сийдик кислотага айланади. Пировардида натрийли сийдик кислота кристаллари бугимларда ййгилиб подагра касаллигини келтириб чиқаради.

Мол гуштини қўп истеъмол қилинса терида доғ пайдо бўлади. У қўтир ва темирлатки пайдо қилади, веналарни кенгайтиради.

Гуштни тухум ва сутга қўшиб ейиш зарарли. Бироқ бир-бирининг урнини босувчи омил сифатида қўлласа бўлаверади. 100 грамм гуштининг урнини 175 грамм балиқ гушти, 480 грамм сут, 115 грамм творог билан алмаштириш мумкин.

Гуштни тушликда ейиш фойдали. Эрталаб ёки кечқурун творог, сут истеъмол қилинса, организмнинг оқсилга бўлган эҳтиёжини тўла қондиради.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос

**ШАБРИКЛАЙМИЗ!****Жияним НОДИРАХОН!**

Туғилган кунинг муборак бўлсин!

Сенинг бахтинг аданг Соҳибжон ва опанг Ҳабибахонларнинг бахтидир. Ҳаётинг гулдек гўзал

ва бегубор бўлсин.

Амманг ГУЛНОРА

Азиз жиянларим
ЮЛДУЗХОН ва
САРВАРБЕК!

Сизларни туғилган кунларингиз билан чин дилдан қутлайман. Доимо хушчақчақ, уйнаб-кулиб юришингизни истайман.

Аммангиз МАВЛУДА

Субҳидамда мен ҳам қуёшга боқай,
Шабнамли гуллардан чаккамга тақай.
Кимнидир ёқтириб, кимгадир ёқай.

Дунёга келтирдинг мени,
онажон!

Қадрли опамиз
ОРИФХОНОВА МАТЛУБАХОН!

Сизни таваллуд айёмингиз 19 август кунин билан чин дилдан қутлайман! Сизга асрга тенг умр, мустаҳкам саломатлик, бахт ва омад доим ёр бўлсин.

Синглингиз УМИДА

Ширин-шакар жиянларимиз
АДҲАМЖОН ва
ҲУРРИЯТХОН!

Сизларни 24 август, туғилган кунларингиз билан муборакбод этамиз! Иккалангизни ҳам узоқ умр куриб, ота-онангиз бахтига

соғ-саломат юришингизни ис-
таб қоламиз.

Суюкли аммаларингиз номидан ОРИФХОНОВА

ОИЛА

Ёшим 73 да. Уч фарзандли, 21 набиралиман. Хотиним вафот этган. Уйим-жойим дейдиган саришта, болажон аёлни ҳамдардликка излайман.

Оила-455

19 ЁШДА

Тошкентлик, кўхликкина жувон. Ота-онаси билан бирга яшайди. Саранжом-саришта, уй ишларини жон-дилидан севади. Тугри, диёнатли, уйим-жойим дейдиган 28 ёшдан 35 ёшгача бўлган инсон билан танишиб, бахтли оила қуриш бирдан-бир орзуси.

Оила-456



УМУМИЙ ТАЪРИФ. Бу мучалда туғилганлар қаттиқ тартибга риоя қиладилар, шовқин-суронни ёқтирмайдилар, кўчаларда ҳам одамлар камроқ, тинч жойлардан юрадилар. Лекин улар доим бошқалар ҳақида қайғурадилар, дўстларига содиқ ва очик кўнгилдирлар. Бу мучал соҳиблари орасида бўйдоқ ва «қариқиз»лари кўп учрасада, айримлари икки марта оила курадилар. Уларнинг жиддий қиёфаларида ақл ва мақсад сари интилиш акс этади. «Бошоқ»лар бошқаларнинг камчиликларини очик-ойдин кўрадилар, аммо ўз нуқсонларини билишмайди. Кўча-кўйда тиланчилик қиладиганларга сира ачинишмайди. Лекин қийин аҳволга тушиб қолган дўстларига чин кўнгилдан ёрдам берадилар. Улар бекорчи ва ёлқовларни ёқтирмайдилар. Одамлардаги иқтисодчилик, аниқлик, ҳақиқатпарварлик, яратувчанлиқни юқори баҳолайдилар. Бу мучалда туғилганлар жуда соғлом, фақат иш юзасидангина асаб касалликларига дучор бўладилар.

ЭРКАКЛАР. Агар сиз ҳиссиётга берилувчан бўлсангиз, бу мучалда туғилган эркак билан яшаб кетишингиз жуда қийин кечади. У ўз севгисини оиласи, дўстларига бўлган яқинлиги билан ифодалайди. Мабодо, сиз унга ўта ҳиссиётли муносабатда бўлсангиз, унинг ёнида йиғласангиз, нималардир ваъда қилсангиз, бу ҳолдан у ажабланиши ва ҳатто кўрқиб кетиши мумкин. Севгида у иро-

Ўн икки бурж остида

да ва бардошни юқори баҳолайди. Бу мучал соҳиби тақдирига тан бериб яшайдиганлардан. У деярли ҳамма нарсани танлаб-танлаб ёйди, қияди, ёқтиради. Ҳатто аёлларни ҳам танлаб севади ва бундан завқланади. Сиз уни алдашга ёки устидан қулишга уринманг, ўзингизга ёмон бўлади. Агар у сизни сева олмаса, сираям меҳрини қозонишга интирманг. Шунчаки дўстона муносабатингиз ва расмий муомалангизнинг ўзи кифоя. Бу ҳолдан сўнг сиз уни қизиқтирмаслигингиз мум-

ради. Мабодо, сиз касал бўлиб қолсангиз, бутун меҳри билан парваришлайди. Агар у нимадандир хафа бўлса, сабабини суриштирманг, барибир айтмайди. Яхшиси, уни ёлғиз қолдиринг. Ҳаётингиз давомида бу мучал соҳиби билан бахтиёр турмуш кечирасиз. Унинг битта камчилиги бор, бу ҳам бўлса, танқидга чидамсизлигидир. Шунинг учун сиз унинг хатоларини танқид қилманг, ширин сўз ва хушмуомалалик билан бартараф этишингиз мумкин.

АЁЛЛАР. Бу мучал соҳибаси ўз мақсадлари сари интилиб яшайди. Тўғри, ҳамма инсонлар ҳам ўз мақсади сари интилади, аммо бу аёл жарликларга тушиб кетса ҳам, тоғу тошдан ошшига тўғри келса ҳам, ўз йўлидан қайтмайди. Бўлар-бўлмасга ййғлайверишни ёқтирмайди.

Мабодо, уни умр йўлдоши алдагудек бўлса, буни сира кечирмайди. Кўни-қўш-нига гап-сўз бўлиш, эри билан ажрашиб иснодга қолиш ёмон, албатта. Аммо ишонган, суянган, суйган одами томонидан бир умр алданиб яшаш бу аёл учун дунёдаги энг қабиҳликдир.

Бу аёл ҳамма билан (шунингдек, эркаклар билан ҳам) дўстона муносабат ўрната олади. Бу мучал аёли ҳамма мучаллар орасидаги ақл ва ҳиссиётли мужасамлашган инсондир.

БОШОҚ

(24 августдан 23 сентябргача)

кин эмас.

Мабодо бахт қулиб боқиб, муҳаббат тағирисининг назари сизга тушса, сира ҳовлиқманг. У сизни севиб қолган тақдирда ҳам аввалги ҳулқини ўзгартирмайди. Агар сизга севги изҳор қилса-ю, сиз жавобини беришга шошилмасангиз, у ойлаб-йиллаб кутишга тайёр. Эътибор беринг-а, бундай чидамлик ҳеч қайси мучал соҳибига насиб этмаган.

У ўзига суюкли аёл эмас, умр йўлдоши эмас, балки оталик бурчини чин дилдан бағиради. Унинг соғлиги ҳақида қайғуришингизни ёқти-



Олимжон Ҳамза сурати

8 баллдан ошса. Сиз мулоҳазакор инсонсиз. Эҳтиёжларингиз беҳудуд эмас, уртача. Сизни умидсизлик қийнамайди. Аммо характерингизда ҳушқинлик қучли. Бу эса одамлар билан бўладиган муомалангизни енгиллатади, ҳаётингиз моҳиятини эса соддарок, жунроқ қилиб қуйиши мумкин.

4-8 баллгача. Туйғуларингизни жиловлый оласиз. Сиз ўз имкониятларингизни аниқ биласиз, ойини бенарвон уришга ҳаракат қилмайсиз. Аммо характерингизда озгина бемаънилик бор.

4 баллагача. Сиз мутлақо уйлмай иш қиладиган одамсиз. Купинча бу характерингиз орқали ўзингизни бахтсиз ҳис қиласиз. Маслаҳатимиз, ҳаётингиздаги икир-чикир воқеалардан ҳам тўғри хулоса чиқаришга ўрганинг. Бу сизни хотиржамлик ва сермулоҳазалиликка ундайди.

АЛИЖОН тайёрлади

МУЛОҲАЗАЛИ ИНСОНМИСИЗ?

10. Ҳатто очиқмаганингизда ҳам кўп ейишни одат қилган-мисиз?

а) ҳа — 0 балл

б) йўқ — 1 балл

11. Сизга нима совға қилишларини олдиндан билишга қизиқасизми?

а) ҳа — 0 балл

б) йўқ — 1 балл

Рухшўнослик тести

1. Арзимаган бир сабаб билан ҳам ўзингиздан кетиб, тутақасизми?

а) ҳа — 1 балл

б) йўқ — 0 балл

2. Ўзингиздан жисмонан қучли одамнинг жигига тегишдан қўрқасизми?

а) ҳа — 1 балл

б) йўқ — 0 балл

3. Сизга эътибор беришлари учун атайлабдан жанжал кўтарасизми?

а) ҳа — 0 балл

б) йўқ — 1 балл

4. Ҳатто ҳаётингизга хавф солиши аниқ бўлсада, юқори тезликда кетишга (транспортда) таваккал қиласизми?

а) ҳа — 0 балл

б) йўқ — 1 балл

5. Касал бўлганда, доимо дори билан даволанишга ҳаракат қиласизми?

а) ҳа — 0 балл

б) йўқ — 1 балл

6. Истаётган нарсангизга эришиш учун ҳеч нимадан қайтмайсизми?

а) ҳа — 0 балл

б) йўқ — 1 балл

7. Соатлаб қуёшда утиришни ёқтирасизми?

а) ҳа — 0 балл

б) йўқ — 1 балл

Муассисларимиз:

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

БОШ МУҲАРРИР:
Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Газетамиз бош ҳомийси:
Ўзбекистон «Матбуот тарқатиш уюшмаси» ассоциацияси

МАНЗИПМИЗ:

700083, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефон: 36-56-52, 34-86-91

Урол СОДИҚ

навбатчилик килди

Обуна индекси - 64654

Рўйхатга олиш № 33

Буюртма Г-0455 21597 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.